

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/Т.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЗОКИРОВ САНЖАР ИКРОМЖОН ЎҒЛИ

**ТАНЛАНГАН НУРЛАНИШДА ИШЛОВЧИ
ФОТОТЕРМОГЕНЕРАТОРНИНГ ОПТИК ВА ФОТОЭЛЕКТРИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Зокиров Санжар Икромжон ўғли

Танланган нурланишда ишловчи фототермогенераторнинг оптик
ва фотоэлектрик хусусиятларини тадқиқ қилиш. 3

Зокиров Санжар Икромжон угли

Исследование оптических и фотоэлектрических параметров
фототермогенераторов, работающих при селективном излучении ... 21

Zokirov Sanjar Ikromjon ugli

Investigation of the optical and photoelectric parameters of
photothermogenators operating in selective radiation..... 39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/Т.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЗОКИРОВ САНЖАР ИКРОМЖОН ЎҒЛИ

**ТАНЛАНГАН НУРЛАНИШДА ИШЛОВЧИ
ФОТОТЕРМОГЕНЕРАТОРНИНГ ОПТИК ВА ФОТОЭЛЕКТРИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Техника фанлари бўйича филозоф доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Г2437 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтини бажаришган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саноҳида (isrtm.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Қасимахунова Анархан Мамасадиковна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Мамадалимов Абдуғафур Тинчабаевич
физика-математика фанлари доктори, академик

Тагаев Марат Баймуратович
техника фанлари доктори, профессор

Етабчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳаммаси Ўзбекистон Миллий университети ҳолатдаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «09» 03 соғи 12-02 даги мажлисида бўлиб ўтган. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент ш., Янги Олмазор кўчаси, 20-уй, Тел.: (+99871) 248-79-94, факс: (+99871) 248-79-92, e-mail: info@isrtm.uz)

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. 37 рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-59, e-mail: info@isrtm.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «24» 02 кунги тарқатилди.
(2022 йил «24» 02 даги 37 рақамли реестр боёниюмаси).



Ш.Б. Утамурадова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.Ж. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, PhD

Х.К. Аринов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қотибдаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги даврда жаҳон амалиётида энергетиканинг истиқболли йўналишларидан бири яримўтказгичли материаллардан тайёрланган фотоэлектрик ўзгартиргичлар (ФЭЎ) ёрдамида қуёш энергиясини электр энергиясига айлантиришдир. Кремний, германий каби яримўтказгич материаллар асосида яратилган фотоэлектрик ўзгартиргичларни тайёрлаш технологияси, нисбатан содда ва таннархи арзонроқ бўлса-да, уларнинг фойдали иш коэффициентлари талаб даражасида эмас. Фойдали иш коэффициентлари нисбатан юқори бўлган фотоэлектрик ўзгартиргичларни ишлаб чиқариш эса, иқтисодий жиҳатдан қимматроқ ва технологик жиҳатдан мураккабдир. Шу сабабли, қуёш энергиясини электр энергиясига айлантиришнинг иқтисодий самарали, технологик содда ва унумли йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида бу борада олиб борилаётган ишларнинг кўп қисми қуёш элементларини тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш, материал таркибига турли қиришмалар қириштириш орқали қуёш элементлари учун қўлланган материалларнинг электрофизик хусусиятларини яхшилаш, шунингдек, уларнинг фойдал иш коэффициентларини оширишга бағишланган. Гетероўтишли ва каскадли қуёш элементларини юқори самарадорликка эга фото ва термоэлементлар асосида мужассамлашган тузилмаларни яратиш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда қуёш элементларининг дунё миқёсида кенг қўламда қўлланишига тўсиқ бўлаётган омил - яримўтказгичлар электрофизик хусусиятларининг ҳароратга боғлиқлиги ва энергия исрофининг салмоқли эканлигидир. Шундан келиб чиқиб, ушбу жараёнларни бартараф этувчи қурилмаларни яратиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Республикамизда турли конструктив тузилишга эга қуёш панеллари ва уларнинг эксплуатацион характеристикаларини яхшилаш устида доимий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда қуёш электр ўзгартиргичлари асосида қуёш коллекторлари ва термоэлектрик ўзгартиргичлар билан бириккан гибрид тизимлар яратиш соҳаси кенгаймоқда. Мазкур йўналишда фототермоўзгартиргичлар (ФТЎ)нинг мавжуд лойиҳаси такомиллаштирилиб, юқори самарадорликка эга, модернизацияланган танланган нур фототермогенераторларини (ТНФТГ) яратиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012 сонли «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сонли "2017-2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, уни жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сонли «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия

самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергия, энергия ресурсларини тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фототермогенераторлар ёрдамида қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш масаласи дастлаб россиялик олимлар Б. В. Тарнижевский, Э. К. Иорданишвили, ўзбекистонлик олима А. М. Касимахуновалар томонидан ўрганилган. Кейинги олиб борилган тадқиқотлар, фото ва термобатарейаларни танлаб олиш йўли билан яхши тавсифларга эга бўлган фототермобатарейалар олиш мумкинлигини кўрсатган.

Дунё миқёсида Э. С. Керн ва М. С. Рассел гибрид тизимларнинг асосий тузилмаларини таснифлаб бердилар. Италиялик олимлар гуруҳи Ф. Аттивиссимо бошчилигида фото ва термоэлектрик модулларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш устида иш олиб борган. Р. М. Свансон томонидан қайта тикланувчи иссиқлик двигателлари ва термоэлектрик ўзгартиргичларга эга концентрацияланган нур фотоэлектрик модулларининг самадорлигини оширишга мўлжалланган биринчи термофотоэлектрик (TRPV) ўзгартиргич тизими яратилган. Мексика ва Россия давлатлари олимлари Э.А.Чавез-Урбиола, Ю.В. Воробев ва Л.П. Булатлар томонидан эса концентраторсиз ва концентраторлардан фойдаланувчи тўрт хил конструкцияли гибрид тизимлар таклиф этилган. Хитойлик олимлар В. Панг ва бошқалар таркибидаги фото ва термоэлементлар каскад шаклида жойлаштирилган фототермогенераторларнинг бир неча намуналарини лойиҳалашган.

Ўзбекистонда ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишлари дастлаб профессор А.М. Касимахунова томонидан амалга оширилган ва ҳозирга қадар каскадли, икки томонлама сезувчан, танланган нур фототермогенераторларининг турли намуналари яратилган ҳамда амалда татбиқ қилинган. Бундан ташқари, академик С.М. Саидов, М.Н. Турсунов бошчилигида амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона политехника институтида ОТ-Ф-3-19 «Энергия ўзгартиришнинг иссиқлик циклларига асосланган қуёш энергетик қурилмалари учун янги типдаги параболоцилиндрик концентраторларининг модул тизимларини яратиш бўйича фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш» номли илмий лойиҳа ва "Электрошок" МЧЖ билан ўзаро имзоланган 6-20-сонли хўжалик шартномаси асосида (03. 16. 20 йилдаги

6-сонли НИС буйруғи) "Фототермоэлектрик батареясини ишлаб чиқиш" мавзуси устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўзғалувчан тирқишли химоя блокига эга танланган нур фототермогенератори таркибидаги яримўтказгичли фотоўзгартиргичнинг оптик ва фотоэлектрик параметрларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

яримўтказгичли селектив нур фототермогенераторининг оптик параметрларини тадқиқ этиш учун курилманинг модернизацияланган моделини яратиш;

яримўтказгичли фототермогенератор учун куёш трекерини ишлаб чиқиш; фотоўзгартиргич юзасига ёруғлик нурининг тушиш бурчаги қийматига боғлиқ равишда, юзага келувчи энергия йўқотилиш миқдорини аниқлаш учун аналитик формулани такомиллаштириш;

яримўтказгичли танланган нур фототермогенераторининг фотоэлектрик қисмини электро-физик параметрларини рақамли технологиялар ёрдамида тадқиқ қилиш алгоритмининг оптималлаштириш;

намунавий фотоэлемент учун фотоактив бўлган спектрал ораликни автоматик танлаш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида BiTeSb/BiTeSe асосидаги уч бирикмали яримўтказгичли материаллардан тайёрланган термоэлементлар ҳамда кремнийли яримўтказгичлардан тайёрланган фотоэлементлар намуналари олинди.

Тадқиқот предметини танланган ёруғлик нури таъсирида фототермогенератор таркибидаги фотоэлементларда рўй берувчи оптик ва фотоэлектрик ходисалар, шунингдек, фотоэлементлар электрофизик параметрларининг функционал боғлиқликлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида ёруғлик нурини Черни-Тернер схемаси ёрдамида спектрларга ажратиш технологияси, турли ёритилганлик шароитларида спектрал сезувчанликни ўлчаш усуллари, яримўтказгич материалларни тадқиқ қилишнинг оптик-спектрал усуллари, вольт ампер характеристикани таҳлил қилишнинг замонавий усуллари, шунингдек, яримўтказгичдаги физик жараёнларни математик ҳисоблаш ва компьютерда моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи марта селектив нур фототермогенератори учун кўзғалувчан тирқишли химоя блоки яратилди ва Si асосидаги куёш панелининг фойдали иш коэффициентини 6-7% дан 15-16% га оширишга эришилган;

фототермогенератор учун ишлаб чиқилган куёш трекеридан фойдаланиш натижасида фотоэлементнинг энергия ишлаб чиқариш имкониятидан фойдаланиш самарадорлиги 97,5% гача етиши аниқланган;

ёруғлик нурининг тушиш бурчагига боғлиқ энергия йўқотиш миқдорини аниқлаш учун ишлаб чиқилган формуладан фойдаланиш фототермогенераторнинг куёш нурлари тушиш бурчагига нисбатан оптимал созлаш имконини берган;

танланган нур фототермогенератори фотоэлектрик қисмининг электрофизик параметрларини тадқиқ қилиш учун ишлаб чиқилган дастурий таъминот комплекси, қурилма учун оптимал параметрли яримўтказгичли материаллардан тайёрланган фотоэлементларни танлаш имконини яратган;

илк маротаба фотоэлементни спектрнинг фотоактив соҳасига автоматик жойлаш технологиясини яратилди ва натижада, фотоэлементнинг қизиш вақтини узайтириш ва ҳароратини 37°C дан ортиқ бўлмаган ҳолда сақлашга эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

яримўтказгичли фото ва термоэлементлар асосида қўзғалувчан тирқишли химоя блокига эга, танланган нур фототермогенератори яратилган;

ҳаракатдаги ёруғлик манбасидан келаётган нурни фототермогенераторга оптимал бурчак остида тушишини, ёруғлик оқимини спектрал тақсимланган ҳолда фото- ва термоэлементлар юзасига йўналтиришни автоматик таъминловчи тизим ишлаб чиқилган;

стационар ўрнатилган қуёш панеллари оғиш бурчагининг оптимал қийматларини аниқлаш учун аналитик формула ва у асосида, алгоритмик модел такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қаттиқ жисмлар физикасининг замонавий назарий ва экспериментал тадқиқ қилиш усулларидан фойдаланилганлиги, экспериментал ва ҳисобланган маълумотларни бошқа муаллифларнинг назарий натижалари билан мувофиқлиги, олинган натижаларнинг замонавий физик моделлар асосида тавсифланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қуёш нурларини спектрларга ажратиш жараёни, фототермоэлементларнинг спектрал сезгирлиги, яримўтказгичли фотоэлементлар ҳажмида танланган нур таъсирида юзага келувчи жараёнларнинг физик асослари ҳақидаги тасаввурларни аниқлаштириш ва такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти BiTeSb/BiTeSe ва Si асосида тайёрланган қўзғалувчан тирқишли химоя блокига эга фототермогенератор кичик қувватли қуёш электр станцияларини лойиҳалашда қўлланилишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Яримўтказгичли фото- ва термоэлементлар асосида қўзғалувчан тирқишли химоя блокига эга танланган нур фототермогенераторини яратиш натижасида:

тушувчи ёруғлик нурининг, фототермогенератор нормалига нисбатан тушиш бурчаги қийматига боғлиқ равишда, юзага келувчи энергия йўқотилиш фоизини ҳисоблаш учун таклиф қилинган аналитик формула ва у асосида ишлаб чиқилган алгоритмик модели; фото ва термоэлементлардан ташкил топган, танланган нур фототермогенераторинининг оптик параметрларини тадқиқ этиш учун яратилган, имитацион ва амалий моделлари ЎзР ФА «Физика-Қуёш» ИИЧБ Материалшунослик институти тасарруфидаги иссиқлик қуввати 1МВт бўлган ноёб илмий-техник қурилма – Катта Қуёш

сандонининг гелиостат майдонини бошқарув тизимини модернизация қилиш доирасида ИЗ-20170927404 рақамли «Катта Қуёш Печи гелиостат майдонини бошқариш тизимини модернизация қилиш» лойиҳасида қўлланилган. (ЎЗР ФАнинг 18. 11. 2021 йилдаги 2/1255-3213 сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот ишининг натижаларидан фойдаланиш электр токи генерация қилишдаги тафовутлар орқали гелиостатик қуёш ортидан эргашиш аниқлигини баҳолаш имконини берган;

Диссертация ишининг натижалари Фарғона вилоятида «Бувайда туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси»да жорий этилди. Унда қўзғалувчан тирқишли химоя блокига эга, селектив нурда ишлашга мўлжалланган фототермогенератори кўринишидаги, қуввати 100 Вт.гача бўлган мобил ёритиш тизимининг электр манбаини қувватлаш воситаси сифатида қўлланган (ЎЗР АЙ қўмитасининг 27.09.2021 йилдаги 02-3756 сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот ишининг натижаларидан фойдаланиш кунлик ф.и.к. 6-7 % ни ташкил этувчи MSM12-700 қуёш модулининг кунлик ўртача ф.и.к. ни 15-16 % га етказиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 9 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган халқаро илмий нашрларда 6 та ва республика нашрларида 6 та илмий мақола, шунингдек, 1 та монография чоп этилган. 1 та халқаро муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномаси, ЭХМлар учун 2 та дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 44 та расм, 7 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Қуёш энергиясини электр энергиясига айлантиришнинг физик асослари ва муаммолари"** деб номланган биринчи бобида қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириб беришнинг физик асослари ва қонуниятларига таянган ҳолда, ёруғлик энергиясини ва иссиқликни бир пайтнинг ўзида электр энергиясига айлантириб берувчи фототермобатарларнинг ишлаш принциплари ва мавжуд намуналарнинг конструкциялари муҳокама қилинган. Қурилмаларнинг иш режимлари, юкламаларга уланиш вариантлари ва гибрид тизимларни яратишда, уни ташкил этувчи элементларни танлаб олиш шартлари, аниқланган. Мавжуд бўлган адабиётларни таҳлил қилиш асосида, олдинга қўйилаётган вазифалар аниқлаб олинган.


Диссертациянинг **"Танланган нур фототермоэлектрик ўзгартиргичларни лойиҳалаш"** деб номланган иккинчи бобида танланган нур фототермогенератори ёрдамида қуёш нурларини электр энергиясига айлантириш самарадорлигини ошириш учун, ёруғлик оқимини спектрларга ажратиш ва унинг турли соҳаларини шу соҳаларни, максимал ютувчи қуёш элементларига йўналтириш усуллари ва воситалари, таҳлил қилинган.

Лойиҳаланган фототермогенераторда, қуёш нурлари спектрларга ажратилган ҳолда, тўлиқлигича тизимга йўналтирилиши назарда тутилган. Тизим таркибидаги спектрларга ажратувчи воситасини яратишда Черни-Тернер схемаси асос қилиб олинди. Қурилманинг имитацион моделни яратиш ва оптик-техник параметрларини таҳлил қилишда, Comsol Multiphysics 5.5 дастурий таъминоти имкониятларидан фойдаланилди. Имитацион модел ташкил этувчиларининг оптик-техник параметрларини созлашда эса Зарубин томонидан келтирилган формула қўлланилди. Яратилган моделда фокусловчи ойнанинг эгрилик бурчаги $R=100$ ва ўртача ишчи тўлқин узунлик соҳаси 500 нм (300-900 нм) ҳамда фотоэлементнинг узунлиги 40 мм бўлган ҳолат назарда тутилди (1-расм).

Яратилган тизимда қуёш концентраторларидан фойдаланиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, фокус масофаси ўртача $f = 70$ см га тенг бўлган параболик қуёш концентраторининг имитацион модели Comsol Multiphysics дастурининг 5.5 версияда яратилди ва оптик-энергетик параметрлари тадқиқ қилинди. Концентратор сирти силлиқ бўлган ҳолда унинг фокал текислигида концентрация нисбатини ҳисоблаш S.M.Jeter томонидан таклиф этилган формулалар асосида амалга оширилди.




1-расм. Черни-Тернер схемаси асосида лойиҳаланган фотоактив нурларни ажратиш (beam splitter) тизимининг принципиал схемаси




2-расм. Идеал силлиқ сирт ва акслантириш коэффициентига эга, қуёш халқаси четларидаги қоронғулик ҳисобга олинмаган параболик концентратордан қайтарилган иссиқлик энергиясининг қабул қилувчи сиртида тақсимланиши

Қуёш халқаси четларидаги, қоронғулик ҳисобга олинган ҳолатдаги идеал силлиқ сирт ва акслантириш коэффициентига эга, параболик концентратордан қайтарилган иссиқлик энергиясининг қабул қилувчи сиртида тақсимланиши 2-расмда келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, фокал текислик марказига тушаётган энергия жуда юқори бўлиб, қиймати 14 Вт/мм^2 га тенг. Лойиҳалашда йўл қўйилган статик хатоликлар туфайли, марказ чегарасининг айрим нуқталарида, бу кўрсаткич 30 Вт/мм^2 гача етган.

Тизим учун танланган яримўтказгичли фотоэлементларнинг электрофизик параметрларининг ташқи омилларга боғлиқлигини аниқлаш усулининг муқобил ечими сифатида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланилди. Катта ҳажмли кирувчи дастлабки маълумотларни қайта ишлаш учун яримўтказгичларнинг асосий электрофизик параметрларини ҳисоблашга мўлжалланган алгоритмик (3а-расм) модел асосида, дастурий таъминот (3б-расм) яратилди.



а)




б)

3-расм. Асосий электрофизик параметрларни ҳисоблашнинг алгоритмик модели (а) ва дастурий таъминоти (б)

“Қуёш қуёшнинг ҳаракат траекториясини автоматик тарзда аниқлаш тизимлари (қуёш трекери) ни яратиш” деб номланган учинчи бобда қуёшнинг йиллик ва кунлик ҳаракати давомида унинг траекториясида юз берувчи горизонтал ва вертикал бурчак ўзгариши натижасида юзага келувчи фото ва термо ўзгартиргичлар имкониятларидан максимал фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш масалалари, таҳлил қилинган. Жумладан, танланган нур фототермогенератори учун қуёш координаталарини автоматик аниқаб қуёшга тақлид тизими – қуёш трекерини лойиҳалаш, эксплуатацион хусусиятларини таҳлил қилиш ва фототермогенераторнинг мўътадил самарадорлигини таъминлашда, уларнинг имкониятидан фойдаланиш, технологиялари келтирилган.

Яратилган қуёш трекерлари, 4-расмда кўрсатилган схема асосида қурилган.



4-расм. Arduino UNO платформаси асосида яратилган икки ўқли қуёш трекерининг электр схемаси

Қуёш трекерларининг, тизим умумий самарадорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида, оптимал бурчакли қўзғалмас асосга ва қуёш трекерига жойлаштирилган фотоэлементларнинг самарадорлигини солиштириш устида тажрибалар олиб борилди. Назарий ҳисоб-китоблар ва тажрибалар асосида олинган натижалар шуни кўрсатадики, қўзғалмас асосга ўрнатилган қуёш панелларидан олинган максимал қувват 5.64W, ёки қуёш панелидан олиш мумкин бўлган, ишлаб чиқувчи томонидан кўрсатилган максимал қувватнинг 62.6% ни ташкил этади.

Назарий ҳисобларга кўра, ушбу панелдан олинувчи қувват соат 11-00 ва 13-00 оралиғида, ўзининг максимал қийматига эришиши лозим эди. Куннинг иккинчи ярмига ўтганда, иссиқ ҳаво ва тўғридан-тўғри тушаётган ёруғлик нурлари таъсирида панелларнинг ҳарорати кескин ортиб кетиши натижасида, кун давомида олинган реал ўртача қувват шу панелдан олинishi мумкин бўлган идеал қувватнинг 24% ташкил этди. Қуёш трекерларига ўрнатилган панеллар устида параллел равишда олиб борилган тажрибалар натижасига кўра, максимал қувватга соат 12-30 атрофида эришилди, ва бу ҳолатда ҳам, куннинг иккинчи ярмида қувватнинг тушиб кетиши кузатилди.

Қўзғалмас асосга ўрнатилган панел оғиш бурчагининг хатолиги ортиб бориши билан, ўзгарувчи энергия йўқотиш фоизи хатолик бурчагига

экспоненциал боғланган бўлиб, берилган хатолик бурчагидаги йўқотишни аниқлаш учун, қуйидаги (1) формула таклиф этилди.


$$\eta_{yt} = \Delta a_t \cdot E_{yb} + E_{a_n} \quad (1)$$

$$\Delta a = |a_n - a_{n+1}| \quad (2)$$

$$E_{yb} = \frac{E_{y(n+1)} - E_{yn}}{\Delta a} \quad (3)$$

E_{yn} ва $E_{y(n+1)}$ – мос равишда a_n ва a_{n+1} бурчаклардаги энергия йўқотилишлар қиймати бўлиб, ушбу формулалар асосида қуёш панели ўрнатилган кенгликка мос равишда оптимал оғиш бурчаги ва ўрнатилган панелнинг оғиш бурчаги хатолигини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди.

“Қўзғалувчан тирқишли химоя блокига эга танланган нур фототермогенераторини лойиҳалаш ва тадқиқ қилиш” номли тўртинчи бўлимда аввалги бўлимларда лойиҳаланган имитацион ва амалий моделлар ёрдамида ўтказилган амалий ва назарий тажрибалар натижалари асосида қўзғалувчан тирқишли химоя блокига эга фототермогенераторларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг электрофизик ва энергетик хусусиятларини тадқиқ қилиш юзасидан назарий-амалий тадқиқотлар натижалари келтирилган.




5-расм. Қўзғалувчан тирқишли химоя блокига эга танланган нур фототермогенераторининг схематик тузилиши

5-расмда келтирилган қўзғалувчан тирқишли химоя блокига эга танланган нур фототермогенератори учун ёруғлик нуруни спектрларга ажратиш тизими дисперсион призма ёки дифракцион панжара асосида тайёрланиши назарда тутилган. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам ёруғлик оқимининг фототермогенератор кириш нуқтасига перпендикуляр бурчак остида келиб тушиши муҳим.

Бунинг учун 1 концентраторга келиб тушаётган 2 қуёш нурларининг концентратор юзаси нормалига нисбатан перпендикуляр бўлиши, аввалги


бобда таърифланганидек, куёш трекерлари ёрдамида таъминланади. Концентратор фокал текислигида оптимал нуқтага жойлаштирилган 3 иккиламчи акслантирувчи ойна эса, 4 йиғилган нурларни, 5 коллимация тизимига йўналтиради. Тузилмада фотоактив нурларни танлаш жараёнини автоматлаштиришда, химоя блокининг кириш нуқтасига келаётган ёруғлик оқими, блок сиртининг нормалига нисбатан перпендикуляр бурчак остида тушаётган деб ҳисобланган. Коллимацион тизим ёрдамида параллел йўналишга эга бўлган нурлар оқими Черни-Тернер схемаси асосида лойиҳаланган монохроматорга келиб тушади ва спектрларга ажратилган нурлар 6 қўзғалувчан тирқишли химояга блоки юзасига йўналтирилади.

Қўзғалувчан тирқишли химоя блокининг конструктив схемаси 6–расмда келтирилган. Химоя блокининг 11 термоэлементлар, 12 совутиш тизими, 13 ҳаракатланиш йўлакчаси, 14 акслантирувчи ойналар, 15 тирқиш ва термоэлементларнинг 16 ёруғлик қабул қилувчи юзасидан ташкил топган юқори қисми, кичик қувватли 10 кадамли двигателлар ёрдамида, спектрал тасвирга нисбатан горизонтал йўналишда ҳаракатга келтирилади ва автоматик тарзда фотоактив нурларнинг тирқиш орқали блок ичига ўтишига имкон яратилади. Блок ичига кирган ёруғлик оқими, айнан 17 фотоэлемент юзасига келиб тушиши учун, фотоэлемент тирқиш билан синхрон равишда ҳаракатлантирилади. Блок ичидаги ҳароратнинг мўътадиллиги, химоя блокининг 18 ташқи муҳит таъсиридан химояловчи 19 иссиқлик изоляция тизими ёрдамида, таъминланади. Ушбу тузилманинг мавжуд тузилмалардан асосий фарқи шуки, унда ташқи муҳит таъсирлари ва фотоактив бўлмаган нур тушишидан химояланган фотоэлемент ва ташқи муҳитдан келаётган, фотоактив бўлмаган нурларни тўсиб қолувчи термоэлементлар, бир вақтнинг ўзида тушаётган барча ёруғлик энергиясини электр энергиясига айлантириш имконини беради. Бундан ташқари, ёруғлик нурлари спектрларга ажратилгандан кейин, фотоактив ва фотоактив бўлмаган нурлар алоҳида йўналишга ажратилмаган ҳолда яхлит юзадан иборат текисликка йўналтирилади. Фотоэлементлар эса, юзада ҳосил бўлган дифракцион тасвирнинг керакли соҳасига, автоматик жойлаштирилади. Фотоэлемент юзасига фақат фотоактив нурлар йўналтирилганлиги оқибатида, уларнинг фойдали иш коэффициентига салбий таъсир қилувчи, ҳарорат омили мавжуд бўлмайди. Концентратор ёрдамида жамланган бир неча куёш бирликка эга ёруғлик энергиясининг кичик соҳага тўпланиши фойдаланилаётган фотоэлементлар ҳажмини кичрайтириш имконини беради.



6-расм. Қўзғалувчан тирқишли химоя блокининг конструктив схемаси

Фотоэлемент юзасига тушаётган ёруғлик интенсивлигини ўлчаш учун 7а-расмда кўрсатилган схема асосида автоматик ишловчи қурилма яратилди. Қурилма Arduino платформаси асосида яратилган бўлиб, иккита кичик қувватли мотор ёрдамида вертикал ва горизонтал ҳаракатга келтириладиган асосга ўрнатилган фоторезистор ёрдамида ёруғлик тушаётган соҳадаги интенсивликни ўлчашга мўлжалланган.



а



б

7-расм. Фотоэлемент юзасига тушаётган ёруғлик интенсивлигини ўлчаш қурилмаси (б) ва унинг электрон схемаси (а)

Фототермогенератор таркибидаги фотоэлементнинг оптимал координаталарини аниқлаш мураккаб физик-техник масала. Чунки ёруғлик нуруни спектрларга ажратиш ва маълум тўлқин узунлиқдаги нур оқимини фотоэлементга йўналтириш жараёнида ҳисобга олиниши лозим бўлган бир нечта физик катталиқлар ва техник вазифалар мавжуд (8-расм):

1. Призманинг γ учидан туширилган h баландликка нисбатан перпендикуляр нур оқимини ҳосил қилиш масаласи;

2. Призмадан ўтганда спектрнинг трапециясимон тарқалиши натижасида, тўлқин узунлиқнинг шартли равишда олинган $\lambda \in (\lambda_1; \lambda_2)$ оралиғида, спектр тасвирининг кенглиги L_λ призма ва тирқиш орасидаги масофа M нинг турли қийматлари M_λ да ўзгариб боради.


$$L_{M_1} \neq L_{M_2} \quad (4)$$

Ҳусусий ҳолда, фотоэлемент узунлиги l_Φ ва тирқиш узунлиги l ўзаро тенг деб олинadиган бўлса, M нинг $l = L_M$ шарт бажариладиган қиймати ва шу

шарт бажарилган ҳолда, ёруғлик спектрининг шартли равишда олинган юқори чегарасига мос $y = h_{\lambda_M}$ координата, аниқланиши керак.

Биринчи масала куёш трекеари ёрдамида ҳал қилинди. Иккинчи масаланинг ечими эса, махсус яратилган алгоритм асосида ишловчи механизм ёрдамида ҳал қилинади. Лекин, келтирилган алгоритм, фақат горизонтал ўқ бўйича оптимал жойлашиш координаларини ҳисоблашга мўлжалланган бўлиб, уни бир ўқли трекерларда қўлланади.

Ушбу алгоритмга асосланган автоматлаштирилган тизим, фотоэлементнинг спектр бўйлаб ёнлама ҳаракати давомида, вақт бирлиги оралиғида вольтметрдан N марта аналог сигнал қабул қилади. Олинган қийматлар $V[i]$ массивга ёзиб борилади. Жараённинг иккинчи босқичида эса, қийматларни солиштириш орқали, сигналларнинг максимал қийматлари кўринишидаги оптимал координаталар ($соог_x$) саралаб олинади ва фотоэлемент ана шу қийматлар асосида, шу координата бўйича жойлаштирилади.



8-расм. Спектр соҳасини аниқлаш жараёнида ҳисобга олинувчи катталикларнинг принципиал схемаси

Танланган нур фототермогенератори ёрдамида кремнийли фотоэлементнинг самарадорлигини тадқиқ қилишда фото ва термо элементларнинг электро-физик параметрларини тузилмадан ташқари иш ҳолатида таҳлил қилинди. Бунинг учун, Россия федерацияда ишлаб чиқарилган, кўрғошин-кислотали батареяларни қувватлашга мўлжалланган, монокристалли кремний асосида тайёрланган фотоэлементлардан иборат MSM 12-700 – куёш модулидан фойдаланилди. Куёш модули атроф-муҳит таъсиридан ҳимояловчи қути ичига жойлаштирилган ҳолда, унга 100%, 72% ва 32% нур ўтказувчанликка эга стандарт фоликлар билан қопланган шиша ойна орқали нур туширилди. Таҷрибалар, хона шароитида галоген ёритиш мосламалари ёрдамида амалга оширилган ҳолда, ўзгартириш коэффициенти $K=30$ Люкс \cdot м²/Вт га тенг бўлса, табиий шароитда ўтказилган таҷрибалар учун бу қиймат $K=15$ LЛюкс \cdot м²/Вт га тенг олинди. 783, 559 ва 403 люкс ёритилганлик учун мос равишда 52,2 Вт/м², 39,9 Вт/м² ва 26,9 Вт/м² қийматлар ҳисобланди. Ҳисоб-китоблар натижасида ушбу қийматларда мос равишда салт ишлаш кучланиши ҳамда қисқа туташув токи $U_{си}=3,91$ В да

$I_{кт}=1,25$ мА, $U_{си}=4,75$ В да $I_{кт}=2,62$ мА, $U_{си}=5,19$ В да $I_{кт}=4,8$ мА га тенг эканлиги аниқланди.

Олинган натижалар асосида, тушаётган ёруғлик ва элементдан олинаётган электр токининг максимал қуввати, мос равишда $Wi(52.2) = 5.2$ Вт, $Wi(39.9) = 4.0$ Вт, $Wi(26.9) = 2.7$ Вт ҳамда $Wmax(52.2) = 2,1$ Вт, $Wmax(39.9) = 1,3$ Вт, $Wi(26.9) = 0,6$ Вт эканлиги аниқланди.

Кўрилаётган уч ҳолат учун фойдали иш коэффициентларининг қуйидаги қийматлари аниқланди.


$$\eta(52.2) = 0.0403 = 4.0\%$$

$$\eta(39.9) = 0.0325 = 3.3\%$$

$$\eta(26.9) = 0.0222 = 2.2\%$$

Таҳлил кўрсатишича, фотоэлемент бир хил спектрал таркибга эга ёруғлик манбаи ёрдамида турли даражада ёритилганда, фотоэлементнинг фойдали иш коэффициенти ёритилганлик ўзгаришига мос равишда ўзгармайди. Биринчи ва учинчи ҳолатдаги ёритилганлик, уч марта фарқ қилса-да, бу ҳолатлар учун фойдали иш коэффициенти атиги 2% га фарқланяпти. Фойдали иш коэффициенти юқорироқ (ўртача 15%-18%) намуналар устида олиб борилган тажрибалар натижасида ҳам, шу каби натижаларга эришилди.

Тажрибанинг иккинчи босқичида намунадаги фотоэлементнинг ёруғлик тўлқин узунлигига сезувчанлиги текширилди. Ўртача $+30^{\circ}\text{C}$ ҳароратда, тўлқин узунлиги 400-600 мкм оралиғида бўлган нурларни, электр энергиясига айлантиришнинг фойдали иш коэффициенти ўртача 6-7% ни ташкил этувчи фотоэлементнинг самарадорлиги, фототермогенератор таркибида текширилди. Монохроматик ҳусусиятга эга нур оқими ёрдамида 201 люкс интенсивлик билан ёритилган фотоэлементдан олинаётган токнинг максимал қуввати $Wmax(13.4) = 1,3$ Вт бўлгани ҳолда, фотоэлементнинг фойдали иш коэффициентининг қиймати 9,7-10% оралиғида аниқланди. Ушбу кўрсаткич интенсивлик ортиши билан 15-16% гача етди.




9-расм. МСМ 12-700 – қуёш модули самарадорлигининг нурланиш зичлигига боғлиқлиги

Ҳарорат ёруғлик интенсивлигига боғлиқ ўзгаришини ҳисобга олинса, кўпроқ энергия олиш учун бир нуктада концентрланган қуёш нурларининг йўналиши одатда бу соҳада ҳароратнинг кескин кўтарилишига олиб келади. Қуёш батареясининг ҳарорати нисбий чегарадан ошиб кетганда, унинг фойдали иш коэффициенти n марта кескин пасайиши кузатилди (9-расм).

Ушбу муаммонинг олдини олиш учун, бизнинг тажрибамизда, жамланган ёруғлик поликристалли кремнийли фотоэлементга юборишдан олдин спектрга


бўлинди. Натижада, ёруғлик зичлиги ошиши билан, юклама сифатида уланган вольтметр кўрсаткичлари ҳам ошди (10-расм).



10-расм. Танланган нур фототермогенератори таркибидаги MSM 12-700 – қуёш модули фойдали иш коэффициентининг фотоэлементнинг спектрал сезгирлиги (а) (1, 2 ва 3 - мос равишда: 1, 2 ва 3 карра зичлик билан ёритилганда) ва ёруғлик интенсивлигига боғлиқлиги (б) графиклари

Назарий ҳисоб-китобларга кўра, вақт ўтиши билан танланган ёруғлик нурлари интенсивлигининг ошиши, иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак. 9 ва 10б-расмларда кўрсатилган натижаларни таққослаб, биринчи ҳолда вақт ўтиши билан фойдали иш коэффициенти 2-3 баравар камайганлигини аниқлашимиз мумкин. Танланган нурдан фойдаланиш натижасида пасайиш тезлиги камайибгина қолмай, балки максимал ва минимал қийматлар орасидаги фарқ сезиларли даражада камайди. Агар, фойдали иш коэффициенти ўртача қийматини иккита ҳолат учун таҳлил қилинса, иккинчи тажриба натижалари 3-4 баравар самаралироқ эканини кўриш мумкин.

Фотоэлемент фойдали иш коэффициенти хароратга боғлиқлигини текшириш тажрибаларида фотоэлементнинг харорати $+25$ дан $+45^{\circ}\text{C}$ гача ораликда ўзгартирилди (11-расм).




11-расм. Фотоэлемент фойдали иш коэффициентининг унинг хароратига боғлиқ равишда ўзгариши

Расмдан кўриниб турибдики, $+25^{\circ}\text{C}$ дан $+30^{\circ}\text{C}$ гача, ҳамда $+30^{\circ}\text{C}$ дан $+35^{\circ}\text{C}$ гача бўлган ораликда, фотоэлемент хароратининг 1°C га ошиши унинг фойдали иш коэффициенти мос равишда ўртача 0,1% ва 0,4% га камайишига олиб келади. Дастлабки ва сўнгги хароратлар фарқи, 15°C дан ортгандан кейин, самарадорлик деярли икки марта камайди. Кейинги босқичларда қуёш нурлари қуёш элементи юзасига концентрацияланган ҳолда йўналтирилди. Ёруғлик интенсивлигини ўзгартириш, фотоэлементни йиғувчи


линзанинг фокал текислиги бўйлаб ҳаракатлантириш орқали, амалга оширилди. Электр занжирга юклама сифатида уланган резисторнинг қаршилиқ қийматини ўзгартириш орқали салт ишлаш кучланиши, қисқа туташув токи ва максимал қувват аниқланди.

Ўртача ҳарорат $+27^{\circ}\text{C}$ бўлган шароитда олинган натижалар шуни кўрсатадики, ёруғлик интенсивлигининг икки-уч марта ортиши, фойдали иш коэффициентининг қийматларига, сезиларли ижобий таъсир кўрсатмайди. Аксинча, нисбатан юқори интенсивлик остида ёритилган фотоэлементнинг тез қизиб кетиши (12-расм) оқибатида, унинг самарадорлиги нисбатан тезроқ камайиши кузатилди (13-расм).

Қуёш элементининг электро-физик параметрларига салбий таъсир кўрсатувчи ҳарорат омили, асосан, фотоактив бўлмаган нурлар таъсири натижасида юзага келганлиги сабабли, ушбу омилнинг таъсир даражасини аниқлаш мақсадида тажрибалар танланган ёруғлик ёрдамида амалга оширилди.



12-расм. Турли интенсивлик билан ёритилган фотоэлементлар ҳароратининг вақт ўтиши билан ўзгариши: 1, 2 ва 3 - мос равишда: 1, 2 ва 3 карра зичлик билан ёритилганда; 4-селектив нур билан 3 карра зичликда ёритилганда



13-расм. Турли интенсивлик билан ёритилган фотоэлементлар фойдали иш коэффициентининг вақт ўтиши билан ўзгариши: 1, 2 ва 3 - мос равишда: 1, 2 ва 3 карра зичлик билан ёритилганда; 4-селектив нур билан 3 карра зичликда ёритилганда

Тажрибанинг кейинги босқичларида, фотоактив бўлмаган нурлар ҳимоя блоканинг юза қисмида жойлашган Пельтье термоэлементлари ёрдамида тўсилиб, фотоэлемент юзасига фақат фотоактив нурлар йўналтирилганида қизиш вақти узайгани кузатилди. Лекин, салт ишлаш кучланиши ва қисқа туташув токи билан боғлиқ аввалги олинган қийматлар, деярли ўзгармаган бўлса-да, фотоактив бўлмаган нурларнинг фотоэлемент юзасига тушмаганлиги сабабли элемент ҳароратининг қиймати $+37^{\circ}\text{C}$ дан ортмади. Ўз навбатида, тажриба давомида фотоэлементнинг фойдали иш коэффициенти ўртача 13% дан юқори бўлди.

ХУЛОСА

1. Кўзгалувчан тирқишли химоя блокига эга, селектив нурда ишлашга мўлжалланган фототермогенератори кўринишидаги қуввати 100 Вт.гача бўлган мобил ёритиш тизимининг электр манбаини қувватлаш воситаси яратилди. Кунлик самарадорлиги 6-7 %ни ташкил этувчи MSM12-700 қуёш модули тизим таркибида қўлланганда унинг кун давомидаги ўртача фойдали иш коэффиценти 15-16 %га етиши таъминланди;

2. Фототермогенератор учун қуёш трекери яратилди. Натижада, кўзгалмас асосга ўрнатилганда (техник тавсифномасида кўрсатилган қувват ишлаб чиқариб бериш имкониятига нисбатан!) самарадорлиги максимал 63% ни, кун давомида олинган кўрсаткичларнинг ўртача қиймати 24 %ни ташкил этган фотоэлементнинг энергия ишлаб чиқариш имкониятидан фойдаланиш самарадорлигини мос равишда 97,5 % ва 62 %гача оширишга эришилди;

3. Манбадан келувчи ёруғлик нурининг фототермогенератор нормалига нисбатан тушиш бурчаги қийматига боғлиқ равишда юзага келувчи энергия йўқотилиш фоизини ҳисоблаш учун аналитик формула ва у асосида алгоритмик модел ишлаб чиқилди. Натижада, фототермогенератор (параболик концентратор нормали)нинг қуёш нурлари тушиш бурчагига нисбатан оптимал жойлашиш координаталарини ҳисоблаш имкони яратилди;

4. Танланган нур фототермогенератори фотоэлектрик қисмининг электрофизик параметрларини, рақамли технологиялар ёрдамида тадқиқ мақсадида мавжуд физик формулалар асосида алгоритмик модел яратилди. Алгоритм асосида C++ Builder XE7 муҳитида C++ тилида тузилган дастурий таъминотлар комплексидан фойдаланиш, фототермогенератор учун оптимал параметрли Si асосидаги фотоэлементларни танлаш имконини берди;

5. Фотоэлементни спектрнинг фотоактив соҳасига автоматик жойлаш технологияси ишлаб чиқилди. Фото ва термоэлементлардан ташкил топган танланган нур фототермогенераторининг оптик параметрларини тадқиқ этиш учун яратилган имитацион ва амалий моделлар яратилди. Натижада, фототермогенератор таркибидаги Si асосидаги MSM12-700 қуёш модулининг юзасига фақат фотоактив нурлар йўналтириш ёрдамида, уларнинг қизиш вақти узайгани ва фотоэлемент ҳароратининг қиймати мўтадил $+37^{\circ}\text{C}$ да сақлангани кузатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ФИЗИКИ ПОЛУПРОВОДНИКОВ И МИКРОЭЛЕКТРО-
НИКИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ЗОКИРОВ САНЖАР ИКРОМЖОН УГЛИ

**ИССЛЕДОВАНИЕ ОПТИЧЕСКИХ И ФОТОЭЛЕКТРИЧЕСКИХ
ПАРАМЕТРОВ ФОТОТЕРМОГЕНЕРАТОРОВ, РАБОТАЮЩИХ ПРИ
СЕЛЕКТИВНОМ ИЗЛУЧЕНИИ**

01. 04. 10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.4.PhD/T2437

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте

Аннотация диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.ispm.uz) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Касимахунова Анархин Мамасадировна, доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Мамадалимов Абдулғафур Тишабаевич доктор физико-математических наук, академик Тагаев Марат Баймуратович доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный Университет

Защита диссертации состоится «05» 03 2022 года в 12 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 по присуждению ученых степеней при Научно-исследовательском институте Физики полупроводников и микроэлектроники Национального университета Узбекистана (Адрес: 100057, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Янги Алмалар, дом 20. Тел: (+99871) 248-79-94, факс (+99871) 248-79-92, e-mail: info@ispm.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Отделе внедрения информационных технологий института (зарегистрирована за № 37) по адресу: 100057, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Янги Алмалар, дом 20. Тел: (+99871) 248-79-59

Аннотация диссертации разослана «24» 02 2022 г.
(реестр протокола рассылки № 37 от 24.02 2022 г.)




Ш. Б. Утамурадова,
Председитель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д. ф.-м. н., профессор


Ж. Ж. Хамдамов,
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, PhD


Х. К. Аризов
заместитель председателя научного семинара
при Научном совете по присуждению ученых степеней,
д. ф.-м. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировой практике, одним из наиболее перспективных направлений развития энергетики является преобразование солнечной энергии в электрическую с помощью фотоэлектрических преобразователей (ФЭП) из полупроводниковых материалов. Хотя технология производства фотоэлектрических преобразователей на основе полупроводниковых материалов, таких как кремний и германий относительно проста и недорога, их коэффициент полезного действия не отвечают степени требований. Производство фотоэлектрических преобразователей с относительно высоким коэффициентом полезного действия является нерентабельно и технологически сложно. Поэтому важно разработать экономически эффективные, технологически простые и высокопроизводительные методы преобразования солнечной энергии в электрическую.

На мировом уровне, бóльшая часть работ, направлена на улучшение электрофизических параметров используемых материалов за счет совершенствования технологии изготовления солнечных элементов и добавления различных примесей, а также повышение их к. п. д. Также ведутся работы по созданию гетеропереходных и каскадных солнечных элементов, и структур на основе высокоэффективные фото- и термоэлементов. Сегодня, фактором препятствующим широкому использованию солнечных элементов во всем мире, является температурная зависимость электрофизических свойств полупроводников и значительные потери энергии. Исходя из этого создание устройств, позволяющие устранить этих процессов, считается актуальной проблемой.

В нашей республике непрерывно ведутся исследования по совершенствованию солнечных панелей различной конструкции и улучшению их эксплуатационных характеристик. В настоящее время, в стране расширяется область создания гибридных систем на основе преобразователей солнечной энергии, совмещенные с солнечными коллекторами и термоэлектрическими преобразователями. В этом направлении, модернизация существующих фото- и термоэлектрических преобразователей (ФТЭП) и создание высокоэффективных модернизированных фототермогенераторов селективного излучения (ФТГСИ) имеет большое научное значение.

Данное диссертационное исследование соответствует задачам, обозначенным в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, за № ПП-3012 «О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017 — 2021 годы» от 26 мая 2017 года, за № ПП-2772 «О мерах по дальнейшему совершенствованию управления, ускоренному развитию и диверсификации электротехнической отрасли в 2017-2021 гг. » от 13 февраля 2017 г, за № ПП-

4422 «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии» от 22 августа 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: III. «Энергия, энергосбережение, транспорт, машиностроение и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения».

Степень изученности проблемы. Вопросы преобразования солнечной энергии в электрическую с помощью фототермоэлектрических генераторов впервые исследовались российскими учеными Б. В. Тарниевский, Э. Иорданишвили и узбекской ученой А. М. Касимахуновой. Последующие практические исследования показали, что правильно подобрав фото и термоэлементы, можно получить фототермобатареи с хорошими характеристиками.

В мировом масштабе, Э. С. Керн и М. С. Рассел классифицировали основные структуры гибридных систем. Группа итальянских ученых под руководством Ф. Аттивиссимо работала над расчетом экономической эффективности фото- и термоэлектрических модулей. Р. М. Свансон предложил первую термофотоэлектрическую преобразовательную систему (ТФЭП) с возобновляемыми тепловыми двигателями и термоэлектрическими преобразователями, предназначенную для повышения эффективности фотоэлектрических модулей концентрированного света. Мексиканские и российские ученые Э. А. Чавес-Урбиола, Ю. В. Воробьев и Л. П. Булат предложили гибридные системы четырех различных конструкций без концентраторов и с концентраторами. Китайские ученые В. Панг и другие проектировали несколько образцов фототермогенераторов, в которых фото и термоэлементы расположены в каскаде.

Исследования в этой области в Узбекистане первоначально проводились профессором А. Касимахуновой. К настоящему времени разработаны и внедрены в практику различные модели фототермогенераторов, в том числе каскадные, конструкции с двухсторонней чувствительностью и фототермогенераторы селективного излучения. Кроме того, под руководством академика С. Саидова и ученого М. Турсунова проводились практические и фундаментальные исследования.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте в рамках фундаментального проекта ОТ-Ф-3-19 «Развитие фундаментальных исследований по созданию новых типов параболоцилиндрических концентрирующих модульных систем для солнечных энергетических установок с тепловыми циклами преобразования энергии» и хозяйственного

договора между Ферганским политехническим институтом и ООО «Электрошок» (№6 НИС от 16. 03. 20г.) на тему: «Разработка фототермоэлектрической батареи».

Целью исследования является исследование оптических и фотоэлектрических параметров полупроводникового фотоэлектрического преобразователя в конструкции фототермогенератора селективного излучения с подвижным щелевым блоком защиты.

Задачи исследования:

создание модернизированного модели полупроводникового фототермогенератора селективного излучения для исследования его оптических параметров;

создание солнечного трекера для полупроводникового фототермогенератора;

